

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДАВЛЯТОВ ШОХРУХ МУРАТОВИЧ

**МАРКАЗИЙ СИҚИЛИШГА ИШЛОВЧИ ЦИЛИНДРСИМОН
ҚОБИҚЛАРНИНГ УСТУВОРЛИГИНИ ВА
МУСТАҲКАМЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Давлятов Шохрух Муратович

Марказий сиқилишга ишловчи цилиндрсимон қобикларнинг
устуворлигини ва мустаҳкамлигини ошириш.....3

Давлятов Шохрух Муратович

Повышение устойчивости и прочности цилиндрических оболочек,
работающих на центральное сжатие.....21

Davlyatov Shokhrukh Muratovich

Increase of the stability and strength of the cylindrical shells, working for the
central compression.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДАВЛЯТОВ ШОХРУХ МУРАТОВИЧ

**МАРКАЗИЙ СИҚИЛИШГА ИШЛОВЧИ ЦИЛИНДРСИМОН
ҚОБИҚЛАРИНИГ УСТУВОРЛИГИНИ ВА
МУСТАҲКАМЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T290 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акрамов Хуснитдин Ахрарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурашидов Қобил Содиқович
техника фанлари доктори, профессор

Шожалилов Шокомил
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик - қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 244-63-30; факс: (99871) 241-80-00).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

А.И.Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Х.Х.Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

А.А.Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда металл цилиндрсимон қобик конструкциялар турли мақсадларга мўлжалланган резервуарлар, сув босими ҳосил қилувчи миноралар танаси, телеминоралар, мўрилар, ёритиш мачталар, минорасимон кранлар ва шу каби муҳандислик иншоотлари қурилишида етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу йўналишда, жумладан АҚШ, Германия, Япония, Россия каби ривожланган давлатларда цилиндрсимон қобик конструкцияларнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш, зилзилабардошлигини ва устуворлигини таъминлаш, металл сарфини камайтириш, ҳосил бўладиган деформацияларнинг олдини олиш ҳамда шу орқали уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан турли қурилиш иншоотлари устуворлигини ошириш, шакл ва ўлчамларини оптималлаштириш, мавжуд ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, конструкциялар тайёрлаш ва монтаж қилишнинг замонавий илғор усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қобикли конструкцияларнинг маҳаллий устуворлигини таъминлаш, мустаҳкамлигини ошириш ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ҳар хил элементлар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобик конструкцияларнинг устуворлигини, мустаҳкамлигини, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда замонавий лойиҳаларнинг оптимал ечимлари учун ҳисоблашнинг муҳандислик усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга металл цилиндрсимон қобикларни қовурғалар билан кучайтирган ҳолда устуворлиги ва мустаҳкамлигини ошириш зарур ҳисобланади.

Республикамизнинг қурилиш соҳасида нефт-газ саноати, сув таъминотида ишлатиладиган махсус иншоотларнинг зилзилабардошлиги, устуворлиги ва умрбоқийлигини оширишга қаратилган самарали лойиҳалаш ва ҳисоблаш усулларини жорий этиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... қурилиш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурлар амалга ошириш, ...»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан цилиндрсимон қобикларнинг устуворлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича амалий-муҳандислик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ПҚ-2615-сон “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қурилиш ва саноатда цилиндрсимон қобик минора конструкцияларни турли шакллардаги элементлар билан кучайтириб ҳисоблаш ва лойиҳалаш масалаларида назарий ва тажрибавий илмий-тадқиқот ишлари билан дунёнинг етакчи илмий марказлари, университетлари ва илмий тадқиқот институтларининг йирик таниқли олимлари, жумладан: L.H. Donnell, O.S. Heck, T. Karman, J.C. Yao, W. Flugge, Э.Л. Аксельрад, С.А. Амбарцумян, И.Я. Амиро, В.З. Власов, А.С. Вольмир, Г.Д. Гавриленко, В.И. Мацнер, Э.И. Григолюк, Е.А. Егоров, М.М. Жербин, В.В. Трофимович, С.Н. Кан, Д.Е. Липовский, А.И. Маневич, Х.М. Муштари, Г.Н. Рудых, О.И. Теребушко, С.А. Тимашев, С.П. Тимошенко, И.В. Хатчинсон, И.С. Амазиго ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари қобикларнинг устуворлигини таъминлаш муаммоларини ўрганишда бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. М.Т.Ўрозбоев, Т.Р.Рашидов, Х.А.Акрамов, С.Р.Раззаков, А.Абдусаттаров, Р.А.Абдукаримов, А.Д.Дўсматов ва бошқа тадқиқотчи олимлар бу соҳада муҳим натижаларга эришганлар.

Аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили минорасимон иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш тажрибаси шуни кўрсатадики, цилиндрсимон қобик конструкцияларни турли усуллар билан кучайтириб бикрлиги, мустаҳкамлиги ва устуворлигини ошириш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Қобик шаклидаги конструкцияларни қурилишда ишлатишда оптимал қалинликни таъминлаш ҳар доим уларнинг устуворлигини таъминлаш масаласига бориб тақалиши аниқланган. Мавжуд илмий ишларнинг аксарияти турли шаклдаги кучайтирувчи элементлар қўлланилган қобикларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш, уларнинг ўқ бўйлаб сиқилишдаги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ этишга бағишланган. Юпқа деворли конструкция кўринишидаги иншоотлар устуворлигини йўқотиши масаласи жуда ҳам мураккаб бўлиб, уни аниқ аналитик кўринишда баён этиш бирмунча мушкулдир. Шу сабабли, уларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашда экспериментал тадқиқотларнинг роли ва аҳамияти ниҳоят даражада каттадир. Шунга қарамадан, ҳозирги вақтгача деворлари коворғалар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобикларнинг юк кўтариш қобилятини ошириш масаласи, назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №700 пр «Цилиндрик пўлат қобик идишларнинг техник ҳолатини аниқлаш, хулоса ва таклифлар бериш» мавзусида тузилган шартномаси (2016-2018 йиллар) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади цилиндрсимон қобик металл конструкциялар деворини қовурғалар билан кучайтириб сиқилишдаги устуворлиги ва юк кўтариш қобилиятини ошириш, ҳисоблашнинг амалий усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

цилиндрсимон қобик конструкциянинг марказий сиқилишдаги умумий устуворлиги ва юк кўтариш қобилиятини тадқиқ этиш;

қовурғалар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобикларнинг марказий сиқилишдаги устуворлигини ва юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш учун муҳандислик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш;

қовурғалар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобик конструкциянинг номарказий сиқилишдаги умумий устуворлиги ва юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш учун муҳандислик ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

қовурғалар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобик конструкциянинг номарказий сиқилишдаги умумий устуворлиги ва юк кўтариш қобилиятини баҳолаш мақсадида ҳисоблаш алгоритми, сонли ечими учун самарали ЭҲМ дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида конструктив ортотроп схема бўйича ишлайдиган пўлат қобик конструкциялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети конструктив ортотроп схема бўйича ишлайдиган пўлат қобик конструкцияларини қовурғалар билан кучайтириш натижасида уларнинг устуворлигини ва юк кўтариш қобилиятини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида металл конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш, қурилиш механикаси усуллари, математик моделлаштириш, тажриба натижаларига ишлов бериш, қобик конструкцияларни сонли ҳисоблаш учун Ритц ва Тимошенколарнинг энергетик, тўғри вариацион усуллари ва олинган экспериментал натижаларни таҳлил қилиш ҳамда таққослаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

цилиндрик қобикларнинг устуворлиги ва юк кўтариш қобилияти қовурғалар (ёйсимон панеллар) билан кучайтириш ҳисобига оширилган;

ёйсимон панеллар орқали кучайтирилган қобикларнинг ташқи юклар таъсиридан мустаҳкамлигини йўқотиш вақти, уларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ошириш ҳисобига узайиши аниқланган;

қовурғалар (ёйсимон панеллар) билан кучайтирилган қобикларнинг марказий сиқилишдаги устуворлигини ва юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш учун амалий муҳандислик ҳисоблаш усуллари, ёйсимон панелларнинг бикрлик параметрларини киритиш ҳисобига такомиллаштирилган;

цилиндрик қобикни ёйсимон панеллар билан кучайтириш натижасида металл сарфини сезиларли даражада камайитиришга эришиладиган янги турдаги

конструкция ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёйсимон панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобикнинг марказий ва номарказий сиқилишдаги устуворлигини ва мустаҳкамлигини аниқлашнинг ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

цилиндрсимон қобикларнинг деворини қовурғалар (ёйсимон панеллар) билан кучайтириб устуворлигини, мустаҳкамлигини таъминланган ҳолда материал сарфи тежалган нефт ва нефт маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган янги турдаги резервуар конструкцияси ишлаб чиқилган (фойдали моделга патент №FAP 01278 - 2018 й.);

қовурғалар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобикнинг марказий ва номарказий сиқилишдаги умумий устуворлигини ҳисоблаш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, экспериментал тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситалар ёрдамида, назарий ҳисобларни қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги замонавий иншоотларнинг қобик конструкцияларини лойиҳалашда кучайтирилган қобиклар конструкцияларини устуворлигини ва мустаҳкамлигини таъминлаш назариясини ривожлантириш, цилиндрсимон қобикларга ёйсимон панелларининг бикрлик параметрларини киритиш ҳисобига муҳандислик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқишда қўлланилган илмий ёндашувларни такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қовурғалар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобикнинг марказий ва номарказий сиқилишдаги умумий устуворлигини ва юк кўтариш қобилиятини аниқлашнинг амалий муҳандислик усули ҳамда компьютер дастури ишлаб чиқилган. Цилиндрик қобикнинг ёйсимон панеллар билан кучайтирилган янги турдаги конструкцияси мустаҳкамлиги юқорилиги ва металл сарфини тежамлилиги, мукамал ва турғун ишлаши, кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий сиқилишга ишловчи цилиндрсимон қобикларнинг устуворлигини ва мустаҳкамлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

янги турдаги резервуар конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Нефт ва нефт маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган резервуар», №FAP 01278-2018й.) ва ушбу конструкция Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида нефт маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган цилиндрик резервуарнинг реконструкция жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 2771/18-06-сон маълумотномаси). Натижада цилиндрик резервуарнинг устуворлигини 1,4 мартагача, юк кўтариш қобилиятини 1,5 мартагача ошириш имконини берган;

қовурғалар билан кучайтирилган цилиндрик қобикнинг сиқилишдаги умумий устуворлигини, мустаҳкамлигини ҳисоблаш усуллари Фарғона нефтни

қайта ишлаш заводида газгольдер реконструкциясини лойиҳалаш жараёнида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Курилиш Вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 2771/18-06-сон маълумотномаси). Натижада реконструкция лойиҳсини тайёрлаш вақтини 1,2 марта қисқартиришга, иш сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришилган;

цилиндрик қобикни ёйсимон панеллар билан кучайтирилган янги турдаги конструкцияси “Фарғонафуқоролойиҳа” МЧЖда Фарғона вилояти Бувайда туманидаги сув минораларини лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Вазирлигининг 2018 йил 20 августдаги 04/01-2838-сон ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги Вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 04/25-1741-сон маълумотномалари). Натижада сув минорасининг мустаҳкамлигини ва устуворлигини 1,5 мартагача оширишга, ҳисоблаш вақтини 1,2 марта қисқартиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқотларнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, уларни курилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг наشري ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пўлат қобикларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг қисқача шарҳи”** деб номланган биринчи бобда илмий техник адабиётларда тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишларнинг аналитик шарҳи келтирилган. Бунда асосан пўлат қобик конструкцияларини турли усулларда кучайтириш бўйича республикамизда ва кўплаб хорижий мамлакатларда бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган.

Қобирғалар билан кучайтирилган қобик конструкциясининг тайёрланиши содда бўлиб, у фақат 3 та элементдан ташкил топади: вальцовка усулида тайёрланувчи асосий қобик, асосий қобикдан кичикроқ эгрилик радиусига эга бўлган вальцовка ёки штамплаш йўли билан тайёрланувчи кучайтирувчи ёйсимон панеллар ҳамда асосий қобик ва кучайтирувчи ёйсимон панеллар

четларига пайвандланувчи устки ва остки фланецлардир.

Кучайтирилмаган қобикларнинг устуворлигини йўқотиши, бир вақт-нинг ўзида юк кўтариш қобилятининг йўқотилишига олиб келади, бунда конструкциянинг тўсатдан бузилиши рўй беради. Бунга кўра, қобиклар деворининг устуворлигини таъминлаш учун талаб этилувчи қалинлиги конструкция мустаҳкамлигини таъминлаш учун етарли бўладиган қалинлигидан сезиларли даражада ортиқ бўлади.

Цилиндрик қобикларнинг устуворлиги ва юк кўтариш қобилятини ошириш учун уларни кучайтиришнинг турли усуллари, шунингдек, устуворлигини йўқотишдаги критик кучланишларни сезиларли даражада ошириш имконини берувчи конструктив тадбирлар қўлланилади.

Цилиндрик қобиклар турли профилларни парчин михлар воситасида, пайвандлаш ёки елимлаш орқали кучайтирилади.

Вертикал пўлат резервуарларнинг конструктив хусусиятлари шундайки, унинг вертикал жойлашган ўта юпқа девори устуворлик ва мустаҳкамлик нуқтаи назаридан энг заиф, нозик элементи ҳисобланади. Резервуарнинг юпқа деворига эксплуатация даврида сиқувчи юклар йиғиндиси таъсир этади (конструкциянинг хусусий оғирлиги, қор, шамол юклари, вакуум таъсири). ШНҚ 2.03.05-13 бўйича бундай юкланган цилиндрик қобикларнинг устуворлигини текшириш қуйидаги ифодага асосан амалга оширилади:

$$\frac{\sigma_1}{\sigma_{cr1}} + \frac{\sigma_2}{\sigma_{cr2}} \leq \gamma_c \quad (1)$$

бу ерда: σ_1, σ_2 - мос равишда бўйлама ва халқа бўйича таъсир этувчи (радиал) кучлардан ҳосил бўлувчи кучланишлар; $\sigma_{cr1}, \sigma_{cr2}$ - бўйлама ва радиал критик кучланишлар; γ_c - иш шароити коэффиценти.

Шамол юки таъсирига резервуарнинг цилиндрик деворини устуворликка ҳисоблашда ҳақиқий шамол юкини эквивалент вакуум таъсири билан алмаштирилади, унинг қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_{eq} = k_w \cdot q_w \quad (2)$$

бу ерда q_w - шамол юкининг актив қисмининг максимал қиймати; $k_w=0,5$ қабул қилинади.

Кучайтирилган цилиндрик қобикларнинг устуворлигини тадқиқ этишда иккита усул қўлланилади, улар бир-биридан асосий қобикни кучайтирувчи қобирғаларни ҳисобга олишда фарқланади. Уларнинг биринчиси бўйича масала дискрет жойлашувчи қобирғали реал конструкцияни ортотроп схемали конструкцияга алмаштириб олиб ечилади, унда қобирғаларнинг чўзилиш (сиқилиш) ва эгилишдаги бикрликлари қўшиб юборилади. Бунда, одатда, яна кўшимча равишда янги фаразлар киритилади.

Устуворликни конструктив ортотроп схема бўйича ҳисоблаш усули нисбатан содда ва шунинг билан биргаликда, етарлича тақрибий ҳисобланади. Сўнги даврларда муҳандислик ҳисобларида компьютер дастурларидан фойдаланиш кенг жорий этилаётганлиги сабабли, кучайтирилган қобикларнинг устуворлигини ҳисоблашда иккинчи-қобирғаларнинг дискрет жойлашганлигини эътиборга олувчи усул кенг қўлланилмоқда.

Мазкур диссертация ишидаги тадқиқотлар бўйлама тармоқланган қобикларнинг устуворлиги ва юк кўтариш қобилятини ўқ бўйича ва номарказий сиқилишда ҳисоблашнинг конструктив ортотроп схемасини қўллаган ҳолда амалий ҳисоб усуллари ишлаб чиқишга қаратилган.


Диссертациянинг “**Цилиндрик қобикларнинг кучланганлик-дефор-**

мацияланганлик ҳолатини экспериментал тадқиқ этиш” деб номланган иккинчи бобида конструктив - ортотроп схема бўйича ишлайдиган панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобикларнинг устуворлиги ва юк кўтариш қобилиятини кичрайтирилган моделда экспериментал тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Синов услуби, қўлланилган ускуналар, воситалар, синов моделлари ва қурилмалари ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Экспериментларда олинган натижалар таҳлил қилиниб, назарий ҳисоблар натижалари билан таққосланган. Конструктив - ортотроп схема бўйича ишлайдиган ёйсимон панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобикларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати таҳлил қилинган.

Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган цилиндрсимон қобикнинг устуворлигини ва мустаҳкамлигини тадқиқ қилиш учун диаметри 2800 мм ва баландлиги 2960 мм бўлган реал цилиндрсимон қобик кичрайтирилган 1:4 масштабда моделлаштирилди. Моделлар девори силлиқ - кучайтирилмаган ва девори вертикал ёйсимон панеллар билан кучайтирилган намуналар кўринишида тайёрланди.

Девори силлиқ цилиндрик қобик намуналари учун қалинлиги 1,8 мм ва 3,8 мм бўлган пўлат листлар ишлатилди. Девори панеллар билан кучайтирилган намуналар эса фақат қалинлиги 1,8 мм бўлган пўлат листлардан тайёрланди (1.а-расм). Бунда асосий қобик учун ҳам, кучайтирувчи панеллар учун ҳам бир хил листлар ишлатилди. Кучайтирувчи панеллар асосий панел деворининг тўлиқ баландлиги бўйича узлуксиз пайванд чок билан бирлаштирилди. Асосий қобик ўлчамлари 2200x740 мм ли яхлит листни вальцовка қилиш йўли билан тайёрланди. Доиравий ёпиқ контурли қобик ҳосил қилиш учун унда битта вертикал пайванд чок кўзда тутилди. Кучайтирувчи ёйсимон панеллар 108x740 мм ли листларни аввал вальцовка қилиниб сегмент кўринишига келтирилди, сўнгра асосий қобикқа пайвандланди. Кучайтирувчи ёйсимон панеллар сони ҳар бир намунада 12 та ни ташкил этади, бунда уларнинг орасида асосий қобикнинг кучайтирилмасдан қолган қисмлари сони 12 та бўлиб, уларнинг ҳар бирининг эни 90 мм га тенг қилиб олинди (1.б.-расм).

Тайёрланган қобик намуналарини синашда сиқувчи кучларнинг маҳаллий эзилишдаги таъсирини кескин пасайтириш учун, натурадаги иншоотлар




1-расм. Моделларнинг кўндаланг қирқимлари: а) Кучайтирилмаган қобик, б) Девори ёйсимон панеллар билан кучайтирилган қобик

қобикларида кўзда тутилувчи бириктириш фланецлари қўйилди. Фланецлар халқасимон шаклда бўлиб, уларнинг эни 100 мм ни, қалинлиги 10 мм ни ташкил этади. Фланецлар қобик намуна деворига ҳар икки томондан узлуксиз пайванд чоклар орқали бириктирилди. Кучларнинг марказий узатилишини таъминлаш учун фланецнинг айлана шаклидаги марказий горизонтал ўқи кучайтирилган қобик намунасининг асосий қобик ва кучайтирувчи панеллар кўндаланг кесими оғирлик марказларидан ўтувчи айлана шаклидаги ўқ билан устма уст тушиши таъминланди. Фланецлар 3 та сегментдан ташкил топган бўлиб, улар қобик деворига шундай бириктирилганки, куч фақат фланецлар орқали деворга узатилади.


Моделлар Бекобод металлургия заводида ВСтЗпс5 (ГОСТ 19903-2015)

маркали пўлатдан ишлаб чиқарилган листлардан тайёрланди.

Моделлар деворларида ҳосил бўладиган деформацияларни ўлчаш учун пленка асосдаги “Strain gauges” – типдаги тензорезисторлардан фойдаланилди. Тензорезисторнинг базаси 5 мм га тенг бўлиб, улар аввалдан силлиқланиб, тозаланиб тайёрланган асосга БФ-2 суперелим воситасида ёпиштирилди (2-расм). Тензорезисторларнинг кўрсаткичларини қайд этиб бориш учун улардан чиқувчи симларнинг учлари узатиш кабелларига пайвандланди.



2-расм. Қобик сиртига тензодатчикнинг ёпиштириб ўрнатилиши



3-расм. Ўлчов воситаларининг таркибий схемаси

Қобиклар моделлари “Евразия ТАПО-Диск“ МЧЖ га тегишли бўлган Югославияда ишлаб чиқарилган “LITOSTROJ” типдаги №4305 рақамли ўлчаш диапазони 0÷100 ($\delta \pm 2\%$) тонналик ва Италияда ишлаб чиқарилган “EMANUEL PRESSE” типдаги 400-тонналик гидравлик прессда намуналар бузилиш ҳолатигача синалди.

Синов жараёнида маълумотларни ёзиб олиш учун Micro-Measurement компаниясининг Model 8000 ускуна-лари ва дастурий пакети “LENOVO” русумидаги ноутбук ёрдамида ёзиб олинди.

Ўлчов воситаларининг схемаси 3-расмда келтирилган: тензорезистор 1 дан кучланиш тензометрик аппаратурали аналог рақамли ўзгартиргич 2 га берилади, унда кучайтирилган сигнал рақамланади ва шахсий компьютер 3 нинг қаттиқ дискида қайд этилади.

Цилиндрик қобикларни марказий сиқилишга синашдан олдин барча моделлар назорат текширувидан ўтказилди. Бунда моделнинг барча ўлчамлари лойиҳадаги ўлчамлар билан таққосланди ҳамда тайёрлаш жараёнида бирор-бир бошланғич нуқсонлар ҳосил бўлмаганлиги текширилди, пайванд чокларнинг сифати назоратдан ўтказилди. Назорат текширишлари шуни кўрсатдики, намуна моделларнинг ўлчамлари асосан лойиҳага тўлиқ мос келади, аниқланган четланишлар 0,5 мм дан ошмади. Моделларнинг сифати талабларга жавоб беради ва уларни идеал қобик сифатида баҳолаш мумкин.

Барча намуна моделларга чизмаларда келтирилган схемалар бўйича тензорезисторлар ўрнатилиб, узатиш кабеллари уланди ва улар синовга шай ҳолатга келтирилди. Тайёрланган моделларда уларни прессда марказлаштириш учун устки ва остки қисмларида нишон (риски)лар қўйиб чиқилди. Шундан сўнг намуна қобиклар пресснинг остки плитасига ўрнатилди. Моделларнинг устки ва остки фланецларини тўлиқ қамраб оладиган ёғоч-пайрахали плиталар уларнинг горизонтал сиртида мавжуд бўлиши мумкин бўлган нотекисликларнинг юк узатишдаги таъсирини кескин камайитириш ва марказий сиқилишни (юкни) қобик деворларига тенг тақсимлашга хизмат қилади. Шундан сўнг барча нуқталарга ўрнатилган тензорезисторларга уланган узатиш кабелларининг учлари махсус қурилма орқали компьютерга уланди. Юк берилмасдан аввал

бошланғич кўрсаткичлар ёзиб олинди. Бундан кейин намуналарда вужудга келиши мумкин бўлган турли кучланиш ва деформацияларни нейтраллаштириш учун қобик ҳисобий бузувчи кучнинг 5-7% миқдоридagi куч билан юкланди ва барча нуқталардан кўрсаткичлар олинди. Қобикнинг марказлаштирилганлигини текшириб олингандан сўнг юк бутунлай олинди. Марказлаштиришдаги деформациялар фарқи қарама-қарши жойлашган симметрик нуқталар учун 2-3% дан ошмади.

Асосий синовлар бошланишида барча нуқталарга ўрнатилган тензорезисторлардан бошланғич кўрсаткичлар ёзиб олиниб, юклаш бошланди. Юклаш босқичма-босқич бажарилди. Ҳар бир босқич юки ҳисобий бузувчи кучнинг 10-14% ини ташкил этди. Юклаш тезлиги 20-24 кН/мин ни ташкил этди. Босқич юки берилаётганда барча нуқталардаги тензорезисторлар бўйича автоматик тарзда деформацияларнинг ўзгариши қайд этилди. Юк қиймати белгиланган миқдорга етгандан сўнг деформациялар қайд этилди ва юк шу ҳолатда ушлаб турилди. Бу вақт 15 минутгачани ташкил этди. Юкни босқич охирида белгиланган қийматда ушлаб туриш вақтида ҳам тензорезисторларнинг кўрсаткичлари ёзиб борилди. Деформациялар стабиллашгандан сўнг босқич сўнггида ҳам якуний кўрсаткичлар ёзиб олинди. Шундан сўнг навбатдаги босқич юкланиши бошланди ва барча ишлар аввалгидек такрорланди. Шу тариқа юклар миқдори ошириб борилди. Ҳар бир босқич юкланиши тугагандан сўнг намуна қобикларнинг сирти синчиклаб текшириб борилди, ўзгаришлар-қабаришлар, ботиқлар (чуқурчалар) ҳосил бўлиши ва бошқа кўз билан аниқласа бўладиган ҳолатлар қайд этиб борилди. Юк миқдори бузувчи юкнинг 60% дан ортгандан сўнг бундай текширувлар бевосита юклаш жараёнида ҳам олиб борилди. Синовлар бошлангандан устуворликни йўқотиш белгилари намоён бўлгунча 7-8 та босқич юклашлар бажарилди, юк кўтариш қобилятини йўқотгунча яна 1-2 та босқич кузатилди.

Кучайтирилмаган силлиқ деворли қобик моделини устуворлик ва мустаҳкамликка синаш намунанинг кучланганлик-деформацияланганлик кўрсаткичларини аниқлаш, устуворлик ва юк кўтариш қобилятини йўқотиш ҳолатларида конструкция қабул қила оладиган юкларни тажрибада аниқлаш имкониятини берди. Намунага таъсир этаётган юклар кичик бўлган ҳолларда (юклашнинг 1-5- босқичларида) модел деворидаги кучланишлар қийматлари кичик бўлиб, қобик материали идеал эластик материал сингари қаршилиқ кўрсатиши аниқланди. Деформацияларнинг кучга боғлиқ ҳолда ортиб бориши пўлатнинг чўзилиш ва сиқилишдаги “ σ - ε ” графигига тўлиқ мос ҳолда ривожланиб борди. Юк миқдори ҳисобий бузувчи кучнинг 70% миқдоридан ошганда деформациялар сезиларли даражада тезроқ ортиши кузатилди. Намуна қобикнинг турли нуқталарида ўлчанган кучланишлар (деформациялар) бир хил миқдорда эмаслиги кузатилди: энг кичик ва энг катта кучланишлар ўртасидаги фарқ 4% дан 8% гача ни ташкил қилди.

Бузувчи юкнинг тахминан 94-96% миқдоридagi юкларда қобик маҳаллий устуворлигини йўқотиши аломатлари пайдо бўлди, кучланишларнинг ортиб бориши характериға мос ҳолда чуқурчалар дастлаб намунанинг пастки қисмида, кейин ўрта қисмида ва энг охири устки қисмида вужудга келди. Шундан сўнг юкнинг 4-6% га ортиши умумий устуворликни йўқотиш ва деярли шу билан бирга юк кўтариш қобилятининг йўқотилишига олиб келди. Намуна устуворликни йўқота бошлаганидан сўнг мустаҳкамлигини йўқотгунча ўтган вақт жуда қисқа бўлди: бу босқичда деформацияларнинг кучнинг ортишидан


ривожланиши шиддатли тарзда кечди.

Кучайтирилган қобик кўринишидаги моделларнинг марказий сиқилиш-даги кучланганлик-деформацияланганлик кўрсаткичи кучайтирилмаган қобикларниқидан сезиларли даражада фарқ қилди. Бунда намунага таъсир этаётган юклар кичик бўлган ҳолларда (юкларнинг 1-6 - босқичларида) асосий қобикда ҳам, кучайтирувчи панелларда ҳам кучланишлар қийматлари кичик бўлиб, материалнинг идеал эластик материал сингари қаршилиқ кўрсатиши кузатилди. Берилаётган юк миқдори бу ҳолларда ҳисобий бузувчи кучнинг 80% миқдоридан ошгандагина деформациялар сезиларли даражада тезроқ ортиши юз берди. Намуна қобикларнинг энг пастки қисмида энг катта кучланишлар қайд этилди, қобик баландлигининг ўрта қисмида бирмунча кичикроқ, юқори қисмида эса уларнинг қиймати энг кичик бўлди. Умуман олганда, турли нуқталардаги кучланишлар фарқи 3-6% ни ташкил этди.

Бузувчи юкнинг тахминан 88-92% миқдоридаги юкларда асосий қобикларнинг кучайтирувчи панеллар орасидаги қисмининг маҳаллий устуворлигини йўқотиши аломатлари пайдо бўлди. Ушбу намуналарда ҳам кучланишларнинг ортиб бориши характериға мос ҳолда чуқурчалар дастлаб намуналарнинг пастки қисмида, кейин ўрта қисмида ва энг охири устки қисмида вужудга келди. Шундан сўнг юкнинг 4-6% га ортиши натижасида кучайтирувчи панелларда ҳам маҳаллий устуворликни йўқотиш белгилари кўринди. Уларда ҳам ушбу белгилар дастлаб остки қисмда, кейин ўрта ва устки қисмларда пайдо бўлди. Намуналар устуворликни йўқота бошлаганидан сўнг мустаҳкамлигини йўқотгунча ўтган вақт, кучайтирилмаган қобиклардаги нисбатан сезиларли даражада ортиши кузатилди. Ушбу босқичда деформацияларнинг кучнинг ортишидан ривожланиши бирмунча секинроқ тарзда кечди.



4-расм. Кучайтирилмаган силлик қобик МРГ намунасининг синовдан кейинги кўриниши




5-расм. Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган МРП-1 намунасининг синовдан кейинги кўриниши


Қалинлиги 1,8 мм ли листлардан тайёрланган моделлар деворидаги деформацияларнинг кучга боғлиқ ҳолда ўзгариши графиклари 6-расмда, 3,8 мм ли листлардан тайёрланган моделлар учун 7-расмда келтирилган.

Асосий қобикнинг деворни ёйсимон панеллари билан кучайтирилган намуналарининг деворидаги деформацияларнинг кучга боғлиқ ҳолда ўзгариш графиклари ҳам тажрибалар давомида ўрнатилган тензорезисторлардан ўлчаб


олинган маълумотлар асосида қурилди (8-расм).



6-расм. Қалинлиги 1,8 мм ли листлардан тайёрланган кучайтирилмаган моделлар деворидаги характерли нукталарнинг “Нисбий деформация- нормал кучланиш” графиги: а) юқори нукта, б) қуйи нукта



7-расм. Қалинлиги 3,8 мм ли листлардан тайёрланган кучайтирилмаган моделлар деворидаги характерли нукталарнинг “Нисбий деформация - нормал кучланиш” графиги: а) юқори нукта, б) қуйи нукта



8-расм. МРП-1 намуна деворидаги характерли нукталарнинг “Нисбий деформация-нормал кучланиш” графиги: а) юқори нукта, б) қуйи нукта

Девори силлиқ-кучайтирилмаган ва панеллар билан кучайтирилган қобиқлар намуналарининг назарий ва экспериментал тадқиқотларда олинган натижалари солиштирилди. Бунда ҳисоб натижалари ва экспериментал тадқиқотлар натижалари билан фарқи 4-7% ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Девори силлиқ-кучайтирилмаган қобиқлар намуналарини синаш натижалари (умумий устиворлик ва юк кўтариш қобилиятини йўқотиш ҳолатида)

Намуна №	Экспермент натижалари		Ҳисоб натижалари σ, МПа	Фарқи Δσ, %
	P, кН	σ _{max} , МПа		
1(t = 1,8мм)	586	148	158	-6,3
2(t = 3,8мм)	1280	153	164	-6,7

Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган намуналарнинг назарий ва экспериментдан олинган натижалари солиштирилди (2-жадвал).

Кучайтирилган қобиклар моделлари устида ўтказилган экспериментал тадқиқотларда олинган натижалар статистик таҳлил қилинди. Ҳисобларни бажаришда тасодифий қийматларнинг нормал тақсимланиш қонуни қўлланилди.

2-жадвал

Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган намуналарда назарий ва экспериментал натижаларнинг бир-бирига мослиги солиштириш (умумий устуворликни ва юк кўтариш қобилиятини йўқотиши ҳолатида)

Намуна №	Экспермент натижалари				Ҳисоб натижалари, σ	Фарқи $\Delta\sigma, \%$
	P	σ_{\max}	σ_{\max}^{cp}	$\Delta\sigma_{\max}$		
	кН	МПа				
1	1394	221		-4	230	-3,9
2	1467	233	225	8		+1,3
3	1386	220		-5		-4,4

Синов натижаларини статистик ишлаб чиқиш хатоликларнинг нормал тақсимланиш қонунини қўллаш имкониятини ва уларнинг ўртача квадратик фарқларининг нисбатан кичик қийматларига эга эканлигини кўрсатди.

Экспериментал тадқиқотларда олинган натижалар девори кучайтирилган қобиклар конструкцияларининг кўндаланг кесими геометрияси уларнинг кучайтирилмаган қобикларга нисбатан статик, қаршилиқ ва инерция моментларининг сезиларли даражада ортишига олиб келишини, бир хил металл сарфида конструкциянинг устуворлик ва юк кўтариш қобилиятларининг ортишига сабаб бўлишини тасдиқлади.

Диссертациянинг “**Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобикларнинг устуворлиги ва мустаҳкамлиги**” деб номланган учинчи бобида конструктив ортотроп схема бўйича ишлайдиган ёйсимон панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобикларнинг устуворлиги ва юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашнинг амалий-муҳандислик усулларини такомиллаштирилган. Таклиф этилган усуллар “Delphi” алгоритм тилида компьютерда ҳисоблаш дастурлари тузилган ҳамда ҳисоб натижалари сонли мисолларда кўриб чиқилган.

Қабул қилинган қоидаларга асосан, қобикнинг сиқилишдаги ёки эгилишдаги юк кўтариш қобилияти унинг маҳаллий устуворлигини йўқотиши билан аниқланади, чунки бунда вужудга келадиган критик кучланишлар конструкция материалининг ҳисобий қаршилигидан бирмунча кичик бўлади.

Қобикни ёйсимон панеллар билан кучайтириш унинг фазовий бикрлигини ошишига олиб келади, устуворликни йўқотиш ҳолатида қобик деворининг тўлқинсимон қабариш характери ўзгаради, натижада умумий устуворликни йўқотишдаги критик кучланишлар қиймати сезиларли даражада ортади. Бундан ташқари, асосий қобик ва кучайтирувчи панеллар ташкил этувчи ёпиқ контурнинг бурилишга бикрлиги катта бўлганлиги учун экспериментал тадқиқотларнинг кўрсатишича, асосий қобик алоҳида

панелларининг кучайтирувчи панеллар бирикиш чизиклари бўйлаб қистириб маҳкамланиш эффекти кузатилади. Бунинг натижасида, ушбу панелларнинг эни унча катта бўлмаганлиги учун маҳаллий устуворликни йўқотишдаги критик кучланишлар қиймати сезиларли даражада ортади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қобикнинг ёйсимон панеллар билан кучайтирилиши унда мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошланғич нуқсонларнинг критик кучланишларга таъсирини кескин камайтиради.

Конструктив ортотроп схема бўйича дискрет жойлашувчи ёйсимон панеллар билан кучайтирилган қобикнинг умумий устуворлигини ҳисоблашда кучайтирувчи ёйсимон панелларнинг чўзилишга (сиқилишга) ва эгилишга бикрлиги қобикнинг ушбу ёйсимон панеллар орасидаги участка узунлигида тақсимланиб - “ёйилиб” кетади. Амалий ҳисобларда бундай ҳисоб схемаси қўллаш учун жуда қулайдир.

